

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
“РАДИОПРЕПАРАТ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

**АБДУҚАЮМОВ АЮБХОН МЕЛИСОВИЧ**

**ЛЮТЕЦИЙ-177, ЙОД-125, ФОСФОР-32 АСОСИДА РАДИОИЗОТОП  
СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА  
ЖОРИЙ ЭТИШ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Диссертация химоясиз ихтиро патентлари асосида  
техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича  
ТАҚДИМНОМА**

**Тошкент – 2022**

**Диссертация ҳимоясиз ихтиро патентлари асосида техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича тақдимнома мундарижаси**

**Представление по присуждению ученой степени доктора технических наук (DSc) на основе патентов на изобретения без защиты диссертации**

**Representation on awarding the scientific degree of doctor on technical sciences (DSc) based on the patent of the invention without dissertation defense**

**Абдуқаюмов Аюбхон Мелисович**

Лютеций-177, йод-125, фосфор-32 асосида радиоизотоп субстанцияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш..... 3

**Абдуқаюмов Аюбхон Мелисович**

Разработка технологий получения радиоизотопных субстанций на основе лютеция-177, йода-125, фосфора-32 и внедрение их в производство..... 26

**Abdukayumov Ayabkhan Melisovich**

Development of obtaining radioisotope substances based on lutetium-177, iodine-125, phosphorus-32 and introduction into production ..... 48

**Эълон қилинган ихтиролар рўйхати**

List of patents

Список патентов по теме диссертации..... 52

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
“РАДИОПРЕПАРАТ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

**АБДУҚАЮМОВ АЮБХОН МЕЛИСОВИЧ**

**ЛЮТЕЦИЙ-177, ЙОД-125, ФОСФОР-32 АСОСИДА РАДИОИЗОТОП  
СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА  
ЖОРИЙ ЭТИШ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Диссертация химоясиз ихтиро патентлари асосида  
техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича  
ТАҚДИМНОМА**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/T465 рақами билан рўйхатга олиган.**

Илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Фанлар академиси Ядро физикаси институти қошидаги “Радиопрепарат” Давлат корхонасида бажарилган.

Илмий-тадқиқот тақдимномаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва “Ziyonet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Садиков Илхам Исмаилович**

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Илмий-тадқиқот тақдимномаси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м. ф. д., профессор

**О.Р. Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

## КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

**Илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда ядро тиббиёти - тиббий радиологиянинг жадал ривожланаётган истиқболли йўналишларидан биридир. У радиофармпрепаратлар ёрдамида онкологик ва бошқа турдаги касалликларни ташхислаш ва даволаш усулларини бирлаштиради. Ядро тиббиёт технологиялари, шу жумладан диагностика ва касалликларни даволаш асосан радиоактив изотопларнинг турли хил нурларидан фойдаланишга асосланган. Ядро физикаси ва биокимёвий билимларнинг экспериментал усулларини бирлаштириш замонавий тиббиётда касалликларни ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишда катта истиқболларни яратади.

Жаҳонда сўнгги йилларда энг истиқболли ва кенг қўлланилиб келинаётган лютеций-177, йод-125 ва фосфор-32 радиоизотопларининг субстанциялари асосида Лютеций-177-ПСМА (простата саратонини даволашда қўлланилади), имплантант Seed I-125 (кўриш аъзолари ва простата бези саратонини даволашда қўлланилади) ва фосфор-32 радионуклиди билан нишонланган натрий фосфат (полицитемия, лейкокемиянинг айрим турлари ва лимфоид тўқималар ва бошқаларни даволашда қўлланилади) радиофармацевтик дори воситалари ишлаб чиқарилади. Дунёда радиоизотопларни субстанция шакли тайёрлаш учун махсус радиокимёвий, радионуклид тозалиги, юқори ўзига хос фаоллик ва олинган маҳсулотларнинг стерилланган бўлиши каби талаблар мавжуд. Лютеций-177, йод-125 ва фосфор-32 радиоизотоплари асосида субстанциялар олишнинг янги усулларини тадқиқ етиш ва ишлаб чиқиш долзарбдир, чунки дунёда бу радионуклидларга бўлган талаб ҳар йили ортиб бормоқда.

Республикамизда радионуклидлар ва улар асосида радиофармацевтика воситаларини ишлаб чиқариш, уларни онкология клиникаларида ташхис ва даволашда қўллаш каби экспериментал тадқиқотларга катта аҳамият қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ядро тиббиёти соҳасида қўлланиладиган радионуклидлар ва радиофармацевтиклар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий етиш дастурини амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “маҳсулотлар ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқиш ва шу асосда миллий товарларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш”га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабли ядро тиббиётда қўлланиладиган радиоизотопларни республика онкологик диспансерларига етказиб бериш ва экспортини ошириш, улар асосида радиоактив дори воситаларини ишлаб чиқариш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Характлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 ноябрдаги 5229-сон “Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон “Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. “Кимёвий технология ва нанотехнология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқот бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Лютеций-177, йод-125 ва фосфор-32 радионуклидлари асосида субстанцияларни ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган ва ҳозирга қадар ўтказилаёпти. Хусусан, Belgian Nuclear Research Center (Бельгия), Bhabha atomic research center (Хиндистон), BARC Radiopharma GmbH, IDB Holland bv (Голландия), Isotope Technologies Garching GmbH, ITG (Германия), Missouri University Research Center (АҚШ), Nuclear Research Institute Rez (Чехия), Oak Ridge National Laboratory (АҚШ), Polatom (Польша), McMaster Nuclear Reactor in Hamilton (Канада), «Атом реакторлари илмий-тадқиқот институти давлат илмий маркази» АЖ, «А. И. Лейпунский номидаги Физика-энергетика институти давлат илмий маркази» АЖ, «Л.Я. Карпов номидаги физика ва кимё илмий-тадқиқот институти» АЖ, «В.Г. Хлопин номидаги радий институти» АЖ (Россия). Кўп йиллар давомида лютеций-177, йод-125, фосфор-32 радионуклидлари асосида радиоизотоп субстанцияларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича худди шундай тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти қошидаги “Радиопрепарат” давлат корхонасида олиб борилмоқда.

“Радиопрепарат” давлат корхонасида олиб борилган изланишлар натижасида лютеций-177, йод-125, фосфор-32 асосидаги радиоизотоп субстанциялар олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва улар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳозирги вақтда дунёда лютеций-177, йод-125, фосфор-32 радиоизотопларини ажратиш олиш ва ишлаб чиқариш учун радиокимёвий жараёнларни ишлаб чиқиш ITM Medical Isotopes GmbH Isotopen Technologien München AG (Германия), «LutaPol» Polatom (Польша), MC Master (Канада) каби йирик хорижий компаниялар томонидан бир қатор тажриба ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда ядро тиббиётининг замонавий имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида радиоактив изотоплар ва радиофармпрепаратларни қўллаган ҳолда ва улар асосида радионуклид диагностикаси, радиацион терапия, радионуклид терапияси каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ядро тиббиёти учун радионуклидлар асосида лютеций-177, йод-125 ва фосфор-32 радионуклидлари асосида субстанцияларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш дунёнинг кўплаб олимлари, масалан: америкалик (P.V. Joshi, K.C. Jagadeesan, R.V. Manolkar, A.R. Mathakar), бразилиялик (Carlos A. Zeituni, Maria Elisa C.M. Rostelato), россиялик (В.А. Тарасов, Е.Г. Романов, Р.А. Кузнецов), германиялик (Christoph B., Bartenstein P., Amthauer H), ўзбекистонлик (Журавлев А., Шукуров А., Абдуқаюмов М.Н., Хужаев С.) ва бошқа мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ядро тиббиётида фойдаланиш учун  $^{177}\text{Lu}$  радиоизотопини олиш технологиялари ишлаб чиқилган, жумладан, табиий  $^{176}\text{Lu}$  изотоп таркибли ёки бойитилган лютеций нишонларини реакторда иссиқ нейтронлар оқимида нурлантириб, сўнгра маҳсулотдан  $^{177}\text{Lu}$  радиоизотопини ажратиб олиш усули; иттербий-176 изотопи билан бойитилган иттербий оксидини реакторда иссиқ нейтронлар оқимида нурлантириб, сўнгра ҳосил бўлган маҳсулотдан Ln-resin смолали хроматографик колонка ёрдамида ташувчисиз  $^{177}\text{Lu}$  радиоизотопини олиш усули; ксенон-124 изотопини иссиқ нейтронлар оқимида нурлантириб, ёпиқ системада суюқ азот ҳароратигача совутиб йод-125 радиоизотопини натрий йодид шаклида ажратиб олиш усули; ксенон-124 изотопини иссиқ нейтронлар оқимида нурлантириб, ёпиқ системада суюқ азот ҳароратигача совутиб йод-125 радиоизотопини натрий йодид шаклида икки боскичда ажратиб олиш усули; йод-125 радиоизотопини ядро реакторида халқали ёпиқ қурилма ёрдамида олиш усули; P-32, P-33 билан нишонланган ортофосфат олишда элементар олтингургурт-32 ёки олтингургурт-33ни нейтронлар оқими билан нурлантириб, олтингургуртни-32,33 қиздириб вакуум остида дистиллаш орқали, мақсадли маҳсулотни катион ва анион алмашувчи смола ёрдамида ажратиб олиш.

Лекин юқорида келтирилган усуллар орқали олинган  $^{177}\text{Lu}$  радионуклиди солиштирма активлигининг пастлиги ва маҳсулотни олиш жараёни учун кўп вақт сарфланиши,  $^{125}\text{I}$  радионуклидини олишда маҳсулот таркибида ёндош  $^{126}\text{I}$  радионуклидининг юқори миқдорда бўлиши,  $^{32}\text{P}$  радионуклиди олиш усулида маҳсулот чиқиши унумдорлигини пастлиги каби муаммолари мавжуд. Ушбу усуллардаги камчиликларни бартараф этиш учун юқори солиштирма активликка, радиоактив ва радиоизотопли тозалликка эга бўлган  $^{177}\text{Lu}$ ,  $^{125}\text{I}$ ,  $^{32}\text{P}$  радиоизотопларини олиш усулларининг янги технологияларини яратиш лозимдир.

**Тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Илмий тадқиқот иши ЎзР Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № А11-ФА-Ф131 “Тиббиёт ва саноат эҳтиёжлари учун радиоактив изотоплар, радиофармпрепаратлар ва ионлаштирувчи нурланиш манбаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2012-2014), № ФА-ФИ-Ф010 “Лютеций-177 радиоизотопини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2014-2015) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида ва “Радиофармпрепарат” давлат корхонасининг “2010-2020 йиллар давомида янги технологиялар яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш” режалари асосидаги 2012 йил 20 июндаги № 012/12-сон “Фосфор-32 ва Фосфор-33 радиоизотоплари асосидаги субстанцияларни олиш усули”, 2013 йил 27 декабрдаги № 027/13-сон “Янги Лютеций-177 радиоизотопи олиш технологиясини ишлаб чиқиш” ва 2017 йил 19 майдаги № 016/17-сон “Йод-125 радионуклиди асосида субстанцияни олиш усули” техник топшириқлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори солиштирма радиоактивликка эга бўлган лютеций-177 радиоизотопи, юқори радиоизотоп тозалигига эга бўлган йод-125 радиоизотопи ва юқори радиокимёвий маҳсулот унумдорлик ҳамда юқори радиокимёвий тозалikka эга фосфор-32 радиоизотопи асосидаги субстанцияларини олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

нурлантирилган намунадан лютеций-177 радиоизотопининг максимал мумкин даражада ҳосил бўлишини таъминлаш учун, барқарор  $^{176}\text{Yb}$  изотопи билан бойитилган иттербий нишонини ядро реакторда нурлантиришнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

нурлантириш жараёнида ҳосил бўлган микромикдорли  $^{177}\text{Lu}$  радиоизотопини нурлантирилган макромикдорли  $^{176}\text{Yb}$  намунасидадан максимал ажралишини таъминловчи мақбул ўлчамларга эга бўлган хроматографик колонка ва катион алмашинувчи смолани танлаш;

юқори кимёвий, радиоизотопли тозаликдаги ва юқори радиокимёвий маҳсулот унумдорликни таъминловчи  $^{177}\text{Lu}$  радиоизотопини хроматографик колонкага сорбциялаш ва колонкадан элюирлаш шароитларини танлаш;

лютеций-177 радиоизотопи асосидаги субстанцияни олиш технологиясининг экспресс усулини ишлаб чиқиш;

нурлантирилган намунадан йод-125 радиоизотопини юқори даражада ишлаб чиқаришни таъминлаган ҳолда бошланғич  $^{124}\text{Xe}$  билан бойитилган нишонни ядро реакторида нурлантириш учун мақбул шароитларни аниқлаш;

газсимон нурлантирилган ксенонни ёндош йод-126 радиоизотопи аралашмаларидан ишончли тозалашни таъминловчи кимёвий тозалаш усулларини танлаш;

юқори радиоизотопли тозаликдаги ва юқори радиоактивий маҳсулот унумдорликни таъминловчи ташувчисиз йод-125 радиоизотопи асосидаги субстанцияни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

юқори радиоактивий маҳсулот унумдорликни таъминловчи ва юқори радиоактивий софликка эга бўлган фосфор-32 радиоизотопи асосидаги субстанциясини олиш учун ион алмашинадиган смолаларни формаси ва мақбул ўлчамдаги хроматографик колонкаларни танлаш;

гамма (P-32) АТФ (аденозинтрифосфат кислота)га ферментатив бириктирилиши бўйича, юқори ҳажмий радиоактивлик, радиоактивий тоза, моляр ва биологик фаоллиги юқори бўлган фосфор-32 радиоизотопи асосидаги субстанциясини унумдорлигини оширган ҳолдаги технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотлар объектини** лютеций-177, йод-125 ва фосфор-32 радиоизотоплари асосидаги субстанциялар ва мос келадиган дастлабки нишонларни нурлантириш учун мақбул шароитлар ташкил этади.

**Тадқиқотлар предметини** ВВР-СМ русумли ядро реакторида бойитилган иттербий-176 изотопини нурлантириб лютеций-177, бойитилган ксенон-124 изотопини нурлантириб йод-125 ва табиий олтингугурт-32 изотопини нурлантириб фосфор-32 радиоизотоплари асосида субстанциялар олиш технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Сорбция ва десорбция усуллари; абсорбцион, ион алмашилиш хроматографияси; экстракцион хроматографияси усули; гамма-спектрометрик ва радиометрик таҳлил усуллари; юпқа қатлам хроматографияси, радиоактивий ва радионуклидлар тозаллигини аниқлаш усуллари, шунингдек, статистик таҳлил усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

солиштирма активлиги 98,0 Ки/мг дан юқори лютеций-177, 17,2 Ки/мг йод-125 таъминланган радиоизотопларни олишда ядро реакторида  $10^{14}$  н/см<sup>2</sup>·с<sup>-1</sup> иссиқ нейтронлар оқимида бошланғич барқарор иттербий-176 изотопи билан бойитилган иттербий нишонини, барқарор ксенон-124 изотопи билан бойитилган ксенон нишонини мос равишда 100 соат ва 50 соатдан кам бўлмаган вақтда нурлантиришнинг мақбул шарт шароитлари аниқланган;

биринчи марта юқори кимёвий ва радиоизотопли тозаллиги 99,0% бўлган <sup>177</sup>Lu радиоизотопининг микроикдорини нурлантирилган <sup>176</sup>Yb намунасининг макроикдоридан унумдорлиги 95% ва ундан юқори даражада ажралишини таъминловчи хроматографик колонканинг мақбул ўлчамлари (D=1,6 см, h=55 см) ҳамда катион алмаштирувчи Дауэкс-50X8 смола заррачаларининг 200-400 меш ўлчамдаги турлари танланган;

хроматографик колонкадан 0,45 мл/мин тезликда ва альфа-оксиизомой кислотаси аммонийли тузининг 0,05 М дан 0,13 М гача бўлган концентрацияли градиентда <sup>177</sup>Lu ва <sup>175,176</sup>Yb радиоизотопларини элюирлаб бир марталик хроматографиялаб лютеций-177 радиоизотопи субстанциясини олиш технологиясининг экспресс усули ишлаб чиқилган;

кварц ампуладаги газсимон 99% дан кам бўлмаган ксенон-124 билан бойитилган 50 мл хажмдаги ксенонни нейтронлар оқими зичлиги  $10^{14}$  н/см<sup>2</sup>·с<sup>-1</sup> бўлган ВВР-СМ русумли ядро реакторида 50 соат давомида нурлантириб “Ташувчисиз йод-125 билан натрий йодид эритмаси” субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

биринчи марта нурлантирилган газ ҳолатидаги ксенон-125  $Ag^+$  ионлари шимдирилган шиша филтлда кимёвий тозалаб, кераксиз йод-126 аралашмаларидан ишончли тозалаш усули ишлаб чиқилган ва якуний маҳсулотда унинг миқдори  $10^{-6}$  % дан ошмаслиги таъминланган;

биринчи марта радиокимёвий маҳсулот унумдорлиги 98% дан юқори бўлган ва юқори радиокимёвий софликка эга бўлган фосфор-32 радиоизотопи асосидаги субстанциясини олиш учун Дауэкс 1x4 ион алмаштиргич смолаларни шакли ва 10x100ммли мақбул ўлчамдаги хроматографик колонкалар танланган;

гамма (P-32) АТФга ферментатив бириктирилиши бўйича, радиокимёвий тозаллиги 99,9%, моляр ва биологик фаоллиги 99,0% дан кам бўлмаган фосфор-32 радиоизотопи асосидаги субстанциясини юқори унумдорлигига эга бўлган технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Ташувчисиз  $^{177}Lu$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}LuCl_3$ )”, “Ташувчисиз  $^{125}I$  билан, натрий йодид эритмаси”, “Ташувчисиз фосфор-32 билан нишонланган, ўта соф ортофосфор кислотаси” субстанцияларини доимий ишлаб чиқариш учун саноат регламентлари ишлаб чиқилган;

“Ташувчисиз  $^{177}Lu$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}LuCl_3$ )”, “Ташувчисиз  $^{125}I$  билан, натрий йодид эритмаси”, “Ташувчисиз фосфор-32 билан нишонланган, ўта соф ортофосфор кислотаси” субстанцияларини сифатини назорат қилиш учун меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

“Ташувчисиз  $^{177}Lu$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}LuCl_3$ )”, “Ташувчисиз  $^{125}I$  билан, натрий йодид эритмаси”, “Ташувчисиз фосфор-32 билан нишонланган, ўта соф ортофосфор кислотаси” субстанцияларига мастер файллар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** замонавий тадқиқот усуллари ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, олинган натижаларни бошқа тадқиқотчилар ва илмий бўлимлар маълумотлари билан таққослаш, кўплаб параллел экспериментлар ва таҳлилларни ўтказиш, олинган экспериментал натижаларни статистик қайта ишлаш орқали тасдиқланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Патент идоралари ва Интеллектуал мулк агентлиги томонидан иш натижаларини экспертизадан ўтказиш ҳамда ушбу субстанцияларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» давлат унитар корхонасида рўйхатдан ўтказиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, радионуклидлар асосида

радиоизотоп субстанцияларини олиш учун ишлаб чиқилган технологиялар радиофармпрепаратлар ишлаб чиқаришнинг янги усулларини яратиш ва модернизация қилишда илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, ишланмаларнинг сифат натижаларини яхшилаш имконини беради. Нурлантириш, сорбция ва десорбция учун қулай шароитларни танлаш ва кимёвий тозалаш усулларининг амалий ечимлари экспериментал тадқиқотлар миқдорини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Ишлаб чиқилган технологиялар маҳаллий ва хорижий тиббиёт клиникаларида ишлатиладиган радионуклид маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини кўтариш ва экспорт ҳажмини оширишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лютеций-177, йод-125, фосфор-32 радионуклидлари асосида радиоизотоп субстанциялар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

“Ташувчисиз  $^{177}\text{Lu}$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}\text{LuCl}_3$ )” кўринишидаги ташувчисиз радионуклид лютеций-177 олиш усули”га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP05930, 05.06.2014 й.). Ихтиродан фойдаланиш натижасида “Радиопрепарат” давлат корхонасида “Ташувчисиз  $^{177}\text{Lu}$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}\text{LuCl}_3$ )” субстанциясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 13 декабрдаги № 2/1255-3471-сон маълумотномаси) ва йилига 100 Кюридан кўп миқдордаги «Хемотрейд» (Германия) (20.09.2017 йилдаги № СМР-2017-сон шартнома) ва СМР (Великобритания) (22.09.2017 йилдаги № ЕХ-2017-сон шартнома) хорижий компанияларга экспорт қилинган;

“Ташувчисиз  $^{125}\text{I}$  билан, натрий йодид эритмасини олиш усули”га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент олинган (№ IAP 06202, 15.01.2018 й.). Ихтиродан фойдаланиш натижасида “Радиопрепарат” давлат корхонасида таркибида ёндош қўшимча йод-126 радионуклиди  $10^{-6}$  % дан кўп бўлмаган миқдори таъминланган, юқори унумдорликка эга бўлган “Ташувчисиз  $^{125}\text{I}$  билан, натрий йодид эритмаси” субстанциясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 13 декабрдаги № 2/1255-3471-сон маълумотномаси) ва ҳар йили 2000 Кюридан кўп миқдордаги «Хемотрейд» (Германия) (20.09.2017 йилдаги № СМР-2017-сон шартнома), СМР (Великобритания) (22.09.2017 йилдаги № ЕХ-2017-сон шартнома), “Institute of Isotopes Co., Ltd” (Венгрия) (01.08.2018 йидаги №HUN-2018-сон шартнома) хорижий компанияларга экспорт қилинган;

“Ташувчисиз  $^{32}\text{P}$  ёки  $^{33}\text{P}$  билан нишонланган, ортофосфор кислотаси” Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент олинган (№ IAP 05613, 30.01.2013 й.). Ихтиродан фойдаланиш натижасида “Радиопрепарат” давлат корхонасида “Ташувчисиз  $^{32}\text{P}$  билан нишонланган, ўта соф ортофосфор кислотаси” субстанциясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 13 декабрдаги № 2/1255-3471-сон маълумотномаси) ва йилига 1000 Кюридан кўп

миқдорда «Хемотрейд» (Германия) (20.09.2017 йилдаги № СМР-2017-сон шартнома) ва СМР (Великобритания) (22.09.2017 йилдаги № ЕХ-2017-сон шартнома) хорижий компанияларга экспорт қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотлар доирасида олинган натижалари 3 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни 12 та илмий ишларда чоп этилган, жумладан 3 та ихтирога патент, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси Давлат марказининг субстанцияларни рўйхатга олиш 2 гувоҳномаси, 3 та мақола, шулардан 2 таси хорижий журналларда.


## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан “Лютеций-177 радионуклидини хлорид ҳолатида олиш усули” ихтиросига дастлабки патент олинган (№ IAP05930, 05.06.2014 й.).**

**Фойдаланиш соҳаси:** Амалий радиокимё, ядро тиббиёти.

**Вазифаси:** Ташувчисиз  $^{177}\text{Lu}$  радионуклидини макромикдорли нурлантирилган  $^{176}\text{Yb}$  намунадан максимал ажралишини таъминловчи юқори кимёвий, радионуклидли тозаликдаги ва юқори радиокимёвий унумдорликни таъминловчи  $^{177}\text{Lu}$  радионуклиди асосидаги субстанциясини олиш технологиясининг экспресс усулини ишлаб чиқиш.

**Ихтиро моҳияти:** 100 мг барқарор итербийни нитрат  $^{176}\text{Yb}(\text{NO}_3)_3$  шаклида (иттербий-176 билан 99,5% бойитилган) 4 кун давомида иссиқ энергияли нейтронлар оқимида  $1 \times 10^{14}$  н/см $^{-2}$ с $^{-1}$  нурланишни ўз ичига олган қуйидаги ядро реакциясига кўра лютеций-177 трихлоридини ишлаб чиқариш усули:




Нурлангандан кейин намуна 1,0 мл 0,01 М нитрат кислота эритмасида эритилди. Олинган эритма 0,3 мл/мин тезликда, заррача ўлчамлари 200-400 меш бўлган Dowex-50X8 катион алмаштирувчи смола билан тўлдирилган, ўлчамлари D= 1,6 см, h=55 см хроматографик колонкага юкланди. Хроматографик колонкага ўз навбатида 0,1 М аммоний хлорид эритмаси билан олдиндан ишлов берилган. Сўнгра хроматографик колонка бидистилланган сув билан юқоридаги қайд этилган тезликда 30 дақиқа давомида ювилди,  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$  алфа-оксизомой кислота аммонийли тузининг 0,13 М эритмаси билан 0,45 мл/мин тезликда 0,05 М дан 1,3 М гача концентрация градиенти билан 300 дақиқа ичида элюация қилинди.  $^{177}\text{Lu}$  тутган фракциялар 300 минутдан 340 минутгача йиғилди, 340 минутдан 440 минутгача  $^{175,176}\text{Yb}$  бўлган элюатнинг фракциялари йиғилди. Сўнгра  $^{177}\text{Lu}$


эритмаси 6,0 М хлорид кислотаси билан эритма муҳити рН = 1,0 гача етказилди ва Д2ЭГФК / ФТ-4 каттик экстрагенти билан тўлдирилган колонкага юкланди. Д2ЭГФК / ФТ-4 қаттик экстрагенти этил спиртида бўлган тефлон кукунига (ФТ-4) суюқ Д2ЭГФК (Ди-2-этилгексилфосфор кислотаси, катион алмаштирувчи) экстрагентини сингдириш йўли билан тайёрланди. Хроматографик колонка 0,1 М хлорид кислота эритмаси билан ювилди ва  $^{177}\text{Lu}$  6,0 М  $\text{HCl}$  эритмаси билан элюация қилинди, эритма ротацион буғлатгичда куруқ қолдиқ қолгунча буғлатилди ва керакли миқдордаги 0,05 М  $\text{HCl}$  эритмасида эритилди.

Максимал маҳсулот унумдорлиги билан бир маротабалик хроматографик тозалашда 0,1 М аммоний хлорид эритмаси билан олдиндан ишлов берилган, заррача ўлчами 200-400 меш бўлган Dowex-50X8 катион алмаштирувчи смоладан фойдаланган ҳолда,  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$  алфа-оксизомой кислотанинг 0,05 М дан 0,13 М концентрациядаги градиент билан 0,45 мл / мин тезликда аммоний тузининг 0,13 М эритмаси билан элюирлаш макро миқдорли иттербийнинг нишон материалдан микро миқдорили лютеций-177 радионуклидини нисбатан экспресс усулда ажратиш имконини берди.

1 ва 2-расмларда  $^{177}\text{Lu}$ ,  $^{175,176}\text{Yb}$  нинг хроматографик колонкадан (ID = 16 мм, h = 550 мм) 0,1 М алфа-оксизомой кислотаси билан изократик режимдаги элюацияси ва  $^{177}\text{Lu}$ ,  $^{175,176}\text{Yb}$  нинг (ID = 16 мм, h = 550 мм) хроматографик колонкадан 0,05 М дан 1,3 М гача концентрацияли алфа-оксизомой кислотаси ёрдамида градиент режимда 300 минут давомида элюация қилиниши кўрсатилган.



**1-расм. Изократик режимда 0,1М алфа-оксизомой кислотаси эритмаси билан хроматографик колонкадан  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$  нинг элюация профили. Иттербий-176 изонопи билан бойитилган намуна миқдори 100 мг**



**2-расм. Хроматографик колонкадан  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$ ни 0,05 М дан 1,3 М гача концентрацияли алфа-оксизомой кислотаси эритмаси билан градиент режимда элюацияланиш профили. Иттербий-176 изотопи билан бойитилган намуна миқдори 100 мг**

Келтирилган расмларда кўриниб турибдики, заррача ўлчами 200-400 меш бўлган, олдиндан аммоний хлориднинг 0,1 М эритмаси билан ишлов берилган Dowex-50X8 катион алмашиниш смоласи билан тўлдирилган хроматографик колонкадан  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$ ни алфа-оксизомой кислотасининг 0,1 М эритмаси ёрдамида изократик режимда (1-расм) элюация қилинганда,  $^{177}\text{Lu}$  ва  $^{175,176}\text{Yb}$ ни ажралиши 50%дан ошмайди, градиент режимда (2-расм) элюация қилинганда эса ажарилиш даражаси 95%дан ошади.

#### 1-жадвал

**Лютеций-177 радионукулиди тутган мақсадли маҳсулотни куруқ қолдиқ қолгунча ротацион буғлатгич ва термик усулда буғлатиш натижалари.  $P_{\text{cons}}=10$  Па**

	Ҳарорат, °C	Айланиш тезлиги, об/дақиқа;	Вақт, дақиқа	РКТ, %
Ротацион буғлатгичда буғлатиш	10	110-120	30-40	99,9
	20		15-20	99,9
	40		10-15	99,3
	60		5-10	98,0
Термик усулда буғлатиш	100-110	-	20-30	95,0

Лютеций-177 тутган маҳсулотни 10-20 °C ҳароратда ротацион буғлатгичда куруқ қолдиқ қолгунча буғлатиш маҳсулотнинг радиоактив тазалигини (РКТ) пасайишига олиб келувчи лютеций оксихлориддан

( $^{177}\text{LuOCl}$ ) холи бўлган лютеций-177 (III) хлориди ( $^{177}\text{LuCl}_3$ ) субстанциясини олиш имконини берди. Лютеций-177 радионукулиди тутган мақсадли маҳсулотни ротацион буғлатгич ва термик усулда куруқ қолдиқ қолгунча буғлатиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, лютеций-177 хлорид эритмасини ротацион буғлатгич ёрдамида, буғланиш ҳарорати 10-20 °C оралиғида минимал вақт сарфи билан юқори (99,9%) РКТга эга субстанциясини олишга эришилди, термик усулда эса маҳсулотнинг РКТ қиймати 95%дан ошмади. Бу ҳолат атмосферадаги кислород билан лютеций-177нинг юқори ҳароратда оксихлоридлари ( $^{177}\text{LuOCl}$ ) ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб, тайёр бўлган маҳсулотнинг РКТлигини тушиб кетишига олиб келади.

Шундай қилиб, лютеций-177 (III)-хлорид ( $^{177}\text{LuCl}_3$ ) ишлаб чиқаришда барча таклиф қилинган жараёнлар ва уларни амалга ошириш режимларининг уйғунлиги истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган кўрсаткичларга эга якуний мақсадли маҳсулотни олиш имконини берди. 2-жадвалда лютеций-177 (III)-хлориди ( $^{177}\text{LuCl}_3$ ) ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари билан қиёсий таққослаш маълумотлари келтирилган.

“Ташувчисиз  $^{177}\text{Lu}$  билан, Лютеций хлорид ( $^{177}\text{LuCl}_3$ )” субстанциясини олиш бўйича ишлаб чиқилган технология, ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва олинган субстанциядан радионуклидлар билан даволаш учун анти таначалар ва пептидлари билан нишонланган радиофармацевтик препаратлар синтез қилиниб кўплаб хорижий клиникаларда апробациядан ўтказилди. Субстанциянинг реализацияси тўғрисидаги маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Лютеций-177 (III)-хлоридини ( $^{177}\text{LuCl}_3$ ) хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари билан қиёсий таққослаш кўрсаткичлари

Хусусиятлар	ДК «Радиопрепарат»	ITM Medical ZIsotopes GmbH Isotopen Technologien München AG	«LutaPol» Polatom, Польша
Нурлатилган дастлабки $^{176}\text{Yb}$ намунага нисбатган радио-кимёвий маҳсулот унуми	>90%	-	-
Ҳажмий радиоактивлик, мКи/мл	1500	0,97-1,19	25-1000
Солиштирма радиоактивлик, Кюри/мг	≥98,0	≥81,0	≥13,5
pH	1,37-1,4	1-2	
РКТ	99,9%	99,0	99,0


Нишоннинг қўшимча ёндош радионуклидлари билан ифлосланиш даражаси $^{175}\text{Yb},\%$	-	$\leq 0,01$	-
Нишон материали билан ифлосланиш даражаси $^{176}\text{Yb},\%$	$< 0,008$	$\leq 0,1$	-
Қўшимча ёндош радионуклидлар билан ифлосланиш даражаси $^{177\text{m}}\text{Lu},\%$	-	-	$\leq 0,05$
Бошқа $\gamma$ – радионуклидлар билан ифлосланиш даражаси, $\%$			$\leq 0,01$
Ноактив аралашмалар:			
Fe $\leq 0,25$ $\mu\text{г}/\text{GBq}$	$< 0,132$	$\leq 0,25$	$\leq 0,25$
Cu $\leq 0,5$ $\mu\text{г}/\text{GBq}$	$< 0,007$	$\leq 0,5$	$\leq 0,5$
Zn $\leq 0,5$ $\mu\text{г}/\text{GBq}$	$< 0,064$	$\leq 0,5$	$\leq 0,5$
Pb $\leq 0,5$ $\mu\text{г}/\text{GBq}$	$< 0,032$	$\leq 0,5$	$\leq 0,5$

**II. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг “Йод-125 радионуклидини натрий йодид шаклида олиш усули” ихтиросига дастлабки патент олинди (№ IAP 06202, 15.01.2018 й.).**

**Фойдаланиш доираси:** Амалий радиокимё ва ядро тиббиёти.

**Мақсадлар:** Таркибида минимал миқдордаги ёндош қўшимчаси йод-126 радионуклиди тутган, «Ташувчисиз  $^{125}\text{I}$  билан, натрий йодид эритмаси» субстанциясини ишлаб чиқаришга имкон берадиган йод-125 радионуклидини юқори радиокимёвий унумдорлигида олиш усулини ишлаб чиқиш.

**Ихтиронинг моҳияти:** 50 мл ҳажмдаги газсимон ксенонни (ксенон-124 бўйича камида 99% гача бойитилган) 50 соат давомида ВВР-СМ ядро реакторида  $1 \times 10^{14}$   $\text{н}/\text{см}^2 \times \text{с}^{-1}$  нейтрон оқимида нурлатилади. Ксенон-124 нейтронлар билан нурланганда ксенон-125 ҳосил бўлиб, бета парчаланиш йўли билан йод-125 га ўтади. Ўз навбатида ҳосил бўлган йод-125 қуйидаги ядро реакцияси орқали йод-126 ҳосил қилади:



Нурлангандан сўнг, ксенонли ампула очилмасдан дарҳол 35 дақиқа давомида суяқ азот ҳароратига қадар совутилди. Ўзида йод абсорберини тутган қабул қилувчи 50 мл сиғимли ампула суяқ азотли идишга ботирилди. Ёпиқ тизимда 20-30 Па вакуум таъминланади. Нурланган ампула очилиб 5 мм қалинликдаги кумуш нитрат эритмаси ( $\text{Ag}^+$  ионлари) сингдирилган шиша матоли йод ютувчи (абсорбер) тутган қабул қилувчи ампулага уланди. Музлатилган ампулада нурланган ксенон ва нурлатиш пайтида ҳосил бўлган йод қаттиқ кристалл ҳолатда бўлди. Ампулани очгандан сўнг, суяқ азот буғланиши билан, газсимон ксенон ва ҳосил бўлган йод абсорбер орқали қабул қилувчи ампулага ўтади. Ҳосил бўлган йод-125 ва йод-126 абсорберда

колади. 10 дақиқадан сўнг йод абсорбери тутган дастлабки ампула кесилди ва мақсадли маҳсулотли қабул қилувчи ампула 8-10 кун давомида нормал шароитда сақланди. Бу пайтда бета парчаланиш бўйича ксенон-125дан тоза йод-125 ҳосил бўлади.

Сақлангандан сўнг, қабул қилувчи ампула тизимда 20-30 Па вакуумни таъминлаган ҳолда суяқ азот ҳароратига қадар музлатилди ва газсимон ксенон-124 кейинги ампулага 10 дақиқа давомида ўтказилди. Ампулада йиғилган ксенон-124 кейинги фойдаланиш учун ажратиб олинди. Қабул қилувчи ампулада қолган мақсадли маҳсулотга рН 10-11 бўлгунча тегишли концентрациядаги натрий гидроксид эритмаси қуйилди, сўнгра эритма яхшилаб аралаштирилиб йод-125 радионуклиди ювиб олиниб қадоқланди.

Газсимон нурланган ксенонни ва унинг таркибидаги қўшимча ёндош йод-126 абсорбцияловчи орқали қабул қилувчи ампулага ўтказишда кимёвий тозалаш босқичини жорий этиш газсимон ксенонни ва йод-126 аралашмаларидан ишончли тозалашни таъминлади, йод зарраларини кумуш металл ионлари  $Ag +$  боғлаб кумуш йодид  $AgI$  ҳосил қилади. Бунинг натижасида, якуний мақсадли маҳсулот таркибидаги йод-126 радионуклиди билан ифлосланиш даражаси  $10^{-6}\%$  дан ошмайди. Усулларнинг таққослаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Натрий йодид кўринишидаги ташувчисиз $^{125}I$ олиш жараёнига йод абсорбери ютувчисини қўшиш ва абсорбер ютувчисисиз технологияларини таққослаш натижалари

Нурлантирилган ксенонни қабул қилувчи ампулага ўтказиш усули	Йод-126 радионуклиди билан ифлосланганлиги, %	Маҳсулот унумдорлиги, %	Технологик циклининг вақти, мин	Циклдаги нурлантирилган ксеноннинг йўқотилиши
Йод абсорбери ютувчисиз битта қабул қилувчи ампулада	$10^{-4}$	99	45	2-3 мл
Йод абсорбери ютувчисиз иккита қабул қилувчи ампулада, яъни қўшимча қабул қилувчи ампула билан	$10^{-5}$	99	55	4-6 мл
Йод абсорбери ютувчиси тутган битта қабул қилувчи ампулада	$<10^{-6}$	99	45	2-3 мл

Жадвалдан кўриниб турибдики, йод абсорбери ютувчисини жараёнга яъни, абсорбер ютувчиси тутган битта қабул қилувчи ампула киритилиши, мақсадли маҳсулот йод-125 таркибида қўшимча ёндош йод-126 радионуклидини аралашмаси  $10^{-6}\%$  дан кам бўлишини таъминлаб, юқори маҳсулот унумдорликка эга бўлган тайёр маҳсулотни олиш имконини беради.

Ташувчисиз  $^{125}\text{I}$  билан, натрий йодид ишлаб чиқариш жараёни тизимида турли даражадаги вакуум кўрсаткичидаги натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб 4-жадвалдан кўриниб турибдики, ташувчисиз йод-125 радионуклидини натрий йодид шаклида олиш технологиясининг тавсия этилган схемаси жараён тизимида, қабул қилувчи ампуланинг кириш қисмига йод абсорбери кириши билан, тизимда тавсия этилган вакуум даражаси кўшимча ёндош йод-126 радионуклидини  $10^{-6}\%$  дан кўп бўлмаган миқдорда бўлишига эришиш вазифасини ишончли тарзда мақсадли маҳсулотнинг радиоактивлик миқдори ва маҳсулот унумдорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳал қилишни таъминлайди.

#### 4-жадвал

#### Ташувчисиз $^{125}\text{I}$ билан, натрий йодид ишлаб чиқариш жараёни тизимида турли даражадаги вакуум кўрсаткичлари

Вакуум кўрсаткичлари, Па	Йод-126 радионуклиди билан ифлосланганлиги, %	Унумдорлик, %
40	$10^{-5}$	99,0
30	$10^{-6}$	99,0
20	$10^{-6}$	99,0
15	$10^{-5}$	99,0
10	$10^{-5}$	99,0

Натижада, қуйидаги хусусиятларга эга бўлган натрий йодид шаклидаги ташувчисиз йод-125 радионуклиди олинди:

Йод-125 маҳсулот унумдорлиги	99,0%
Ҳажмий радиоактивлиги	1,0 Кюри / мл
Радиокимёвий тозаллиги	99,0% дан кам эмас
Радионуклид аралашмалари, $^{126}\text{I}$	$10^{-6}\%$
Солиштирма радиоактивлиги	17,2 Кюри/мг $^{125}\text{I}$ дан кам эмас

Радионуклид аралашмаларини мавжудлиги GC 1018 Canberra яримўтказгич детекторли кўп каналли гамма-спектрометр ёрдамида аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти қошидаги “Радиопрепарат” Давлат корхонасида “Ташувчисиз  $^{125}\text{I}$  билан, натрий йодид эритмаси” субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, ушбу юқори сифатли маҳсулот хорижий истеъмолчиларнинг талабини қаноатлантирмоқда. Субстанциянинг реализация тўғрисидаги маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.


### III. “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан “Фосфор-32 ёки фосфор-33 изотоплари билан нишонланган

**ортофосфатни олиш усули” ихтиросига дастлабки патент олинди (№ IAP 05613, 30.01.2013 й.).**

**Фойдаланиш соҳаси:** Амалий радиокимё, ядро тиббиёти, биотехнология.

**Вазифа:** гамма (P-32) АТФга ферментатив бириктирилиши бўйича, юқори ҳажмий радиоактивлик, радиокимёвий тоза, моляр ва биологик фаоллиги юқори бўлган фосфор-32 радионукли билан нишонланган ортофосфор кислотасини юқори технологик маҳсулот унумдорлигини оширган ҳолдаги олиш усулини яратиш.


